

Ибн Сайёд аслида ким?



12:16 / 26.05.2024 3838

Пайғамбар алайҳиссаломнинг даврларида Мадинаи Мунавварада Ибн Сайёд деган бир одам яшаган. Унинг кўпгина сифатлари Дажжолнинг сифатларига ўхшагани учун кўпчилик уни «Дажжол мана шу бўлса керак», деб ҳам ўйлаган. Пайғамбар алайҳиссалом ҳам уни кўрганлар, у билан гаплашганлар. Ибн Сайёдни баъзан Ибн Соид деб ҳам аташган. Қуйидаги сатрларда ана шу одам ҳақида келган бешта ривоятни ўрганиб чиқамиз.

يَضْرَرُ رَمُعَ نُبِّهِ لَلْاِذْبَعُ نَع
بِاطْخُ لَلْاِ نُبِّ رَمُعٍ نَأُ هُنَعُ هَلْ لَلْاِ

هَلَلِ لُؤْسَرَعَمَ قَلَطْنَا t
يَفَمَّ لَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلِ اِيْلَص
يْتَحِ دَائِي صِنْ بَالِبِقِ طَهَر
نَايِبِ صِلَا عَمُ بَعْلِي هَدَجِ و
دَقِ وَهَلَا عُمِ يَنْبِ مُطَا ذُنْع
مَلَفِ مَلُحِ لِي ذِي مُوِي بَرَاق
لُؤْسَرِ بَرَضِ يْتَحِ رُغْشِي
هَيْلَعُ هَلَلِ اِيْلَصِ هَلَلِ
بَلَاقِ مُثِ هِدْيِ بَهْرَهَ ظَمَّ لَسَوِ
«هَلَلِ لُؤْسَرِ يَنْأُ دَهْشَتَا»
بِ دَائِي صِنْ بَالِ هَيْلِ اِرْظَانِ فِ
لُؤْسَرِ كُنْأُ دَهْشَا بَلَاقِ فِ
نُ بَالِ لَاقِ مُثِ ، نِي يَمُ أَلَا

لُؤْسَرِ يِّنَا دَهْشَتَا : دَايِص
هَلَلَا لُؤْسَرُ هَضَفَرَف ؟ هَلَلَا
مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَص
هَلَلَابُ تَنَمَا » : لَأَقَو
هَلَلَأَقُ مُمْت ، « هَلُؤْسُرَبَو
هَلَلَا يَلَصِ هَلَلَا لُؤْسَرِ
« يَرَتَا ذَامَا » : مَلَسَوِ هَيْلَعُ
بِذَاكَ وَقِدَاصِ يَنِي تَأِي : لَأَقِ
يَلَصِ هَلَلَا لُؤْسَرِ لَأَقَفِ
طَلُخُ » مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلَا
هَلَلَأَقُ مُمْت ، « رُمَأَلَا كُيَلَعُ
هَلَلَا يَلَصِ هَلَلَا لُؤْسَرِ
تَأَبْخُ دَقُ يِّنَا » : مَلَسَوِ هَيْلَعُ

عُجْدَلَا وَهُ : لَاقَف ، «أَيَّيْ بَخَ كَل
يَّ لَصِ هَلَلَا لُؤْسَر لَاقَف
أَسْخَا» : مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلَا
لَاقَف ، «كَرْدَقِ وَدَعَتُ نَلَف
أَيَّي نَرَذِ : بَطْخُ لَانُ بَرْمُع
هُقُنُعُ بَرَضَا هَلَلَا لُؤْسَر
نَلَفُ هُنْكَي نَا» : هَل لَاقَف
هُنْكَي مَلُ نَاوِ هَيْلَعِ طَلَسْتُ
«هِلَّتَقِي فِ كَل رِيخِ أَلَف
: مَلَسُم دَاوُ هَعَبْرَالَا هَاوَر
لُؤْسَر كَل ذَدَعَبِ قَلَطْنَاو
هَيْلَعُ هَلَلَا يَّ لَصِ هَلَلَا
يَلِ بَعَكُ نُبُّيُّ بَأَوِ مَلَسَوِ

نُبَا اَهِي ف ي تَل ل لُخ ن ل ا
ه ل ل ا ل و س ر ق ف ط ف ، د ا ي ص
و ه و ل لُخ ن ل ا ع و دُج ب ي ق ت ي
ن ب ا ن م ع م س ي ن ا ل ت خ ي
ه ا ر ي ن ا ل ب ق ا ي ي ش د ا ي ص
ي ل ع ع ج ط ض م و ه و د ا ي ص ن ب ا
ه ل ل ع ف ي ط ق ي ف ش ا ر ف
ن ب ا م ا ت ا ر ف ، ه م ز م ز ا ه ي ف
ي ل ص ه ل ل ا ل و س ر د ا ي ص
ي ق ت ي و ه و م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا
ت ل ا ق ف ، ل لُخ ن ل ا ع و دُج ب
، د م ح م ا ذ ه ف ا ص ا ي : ا ه ن ب ا ل
ل ا ق ف ، د ا ي ص ن ب ا ر ا ث ف

هُتَكَرَتْ وَوَلَّ: رَجُلٌ لُّوَسَّرَ نَّبِيَّ

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Умар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва бир неча киши билан бирга Ибн Сайёд томонга жўнаб кетди. Ниҳоят, уни Бану Мағоланинг истехкоми олдида учратишди. У болалар билан ўйнаб юрган экан. Ибн Сайёд балоғатга етай деб қолган эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қўллари билан уни туртмагунларича сезмади. Кейин Ибн Сайёдга: **«Мен Аллоҳнинг Расули эканимга гувоҳлик берасанми?»** дедилар. Ибн Сайёд эса у зотга қараб, «Уммийларнинг Расули эканингизга гувоҳлик бераман», деди. Сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Менинг ҳам Аллоҳнинг Расули эканимга гувоҳлик берасизми?» деди. У зот уни рад этиб, **«Мен Аллоҳга ва Унинг расулларига иймон келтирганман»**, дедилар. Сўнг: «Сенга нималар кўринади?» дедилар. Ибн Сайёд: «Менга рости ҳам, ёлғони ҳам келади», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сен алжираб қолибсан!»** дедилар. Сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Мен ичимда бир нарсани ўйладим»**, дедилар. Ибн Сайёд: «У дух...» деб, тутилиб қолди. Шунда у зот: **«Ўчир! Ҳаддингдан оша олмайсан!»** дедилар. Умар розияллоҳу анҳу: «Эй Аллоҳнинг Расули, менга қўйиб беринг, бўйнига (қилич) солай», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар бу ҳақиқатан ҳам ўша бўлса, унга қудратинг етмайди. Агар у бўлмаса, уни ўлдиришдан сенга ҳеч қандай яхшилик йўқ»**, дедилар»..

Тўртовлари ривоят қилганлар.

Имом Муслим:

«Шундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Убай ибн Каъб билан Ибн Сайёд турган хурмозорга бордилар. У зот Ибн Сайёдга кўринмай туриб, унинг бирор гапини эшитиш учун хурмолар орасига яшириндилар. У чопон кийиб, тўшак устида ёнбошлаб ётар, ёлдираган овозлар чиқарарди. Ибн Сайёднинг онаси Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хурмолар орасида яшириниб турганларини кўриб қолиб, Ибн Сайёдга: «Ҳой Софий, ана Муҳаммад!» деган эди, Ибн Сайёд сапчиб турди. Шунда Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Онаси индамай турганда** (унинг кимлиги) **ошкор бўлар эди**», дедилар», деб қўшимча қилганлар.

Шарҳ: Бу ривоятда Ибн Сайёд ҳақида бир қанча маълумотлар келган:

1. Расулуллоҳ алайҳиссалом бир гуруҳ саҳобалар билан унинг олдига борганлар. Афтидан, Ибн Сайёд ҳақида гап кўпайиб кетганидан кейин Расулуллоҳ алайҳиссалом уни ўзлари кўрмоқчи бўлганлар.
2. Ўша пайтда Ибн Сайёд балоғат ёшига яқинлашиб қолган ёш бола бўлган.
3. У Пайғамбар алайҳиссаломга иймон келтирмаган.
4. У Расулуллоҳ алайҳиссаломни ўзига иймон келтиришга чақирган.
5. Ибн Сайёдга гоҳ рост, гоҳ ёлғон гапирадиган иблис келиб турган. Буни Расулуллоҳ алайҳиссалом унинг гапларидан билганлар.
6. Набий алайҳиссалом уни синаб кўриш учун савол берганлар ва унинг ҳаддидан ошаётганини кўриб, қаттиқ танбеҳ берганлар.
7. Ибн Сайёднинг нобакорлигини кўргандан сўнг ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ алайҳиссаломдан уни қатл қилишга изн сўраганлар. Аммо Расулуллоҳ алайҳиссалом у Дажжол бўлган тақдирда ҳам, бўлмаганда ҳам қатл қилишдан фойда йўқлигини уқтирганлар.
8. Пайғамбар алайҳиссалом беркиниб туриб, Ибн Сайёдга билдирмай, унинг гапларини эшитиб, кимлигини аниқламоқчи бўлганлар. Аммо Ибн Сайёднинг онаси пайқаб қолиб, халақит берган.

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан